

ШАРТНОМА № 1

Нукус

«06» 02 2022 й.

(шаҳар, туман, кишлоқ)

“CENTRAL-PHARM SERVIS” МЧЖ бундан буён матинда «Сотувчи» деб аталувчиномидан раҳбари Махсетов И.А.

Фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва

Академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИЭИАТМ Қорақалпоғистон Республикаси филиали.

бундан буён матнда Харидор» деб аталувчи номидан бош шифокор Ж.Н Уббиев фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувида) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг ҳақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Маҳсулот тури	Ўл. бир.	Микдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ККС		Етказиб беришнинг ККС ҳисобига олинган қиймати
						Ставкаси	Суммаси	
1	Химический реактив (Глюкоза 1000мл) (318)	уп	1	436000,00	436000,00	0%	0,00	436000,00
	Жами:				436000,00		0,00	436000,00

2.1. Шартноманинг умумий суммаси: Торт юз оттиз олти минг сум 00 тийин ККС сиз.

2.2. Шартноманинг 436 000

суми бюджет

маблаг ҳисобидан

суми бюджетдан ташқари

маблаг ҳисобидан амалга оширилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот микдори суммасининг 30 фоизини олдиндан қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури тулов топшириқнома

(тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, чек аккредитива бошқалар)

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 10 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 31.12.2022 елга гача ўз қучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнгра сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бўтлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

6.2.3. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Маҳсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,1% микдорда пеня тўлайди.

7.2. «Сотувчи» маҳсулотни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган ҳар кун учун маҳсулот баҳосидан 0,2 % пеня тўлайди.